

Тазкия дарслари (73-дарс). Закот Исломнинг беш рукнидан бири



13:30 / 22.02.2020 5098

Нафсни поклаш ва ахлоқни сайқаллаш борасидаги воситалардан бири закотдир.

«Закот» сўзи луғатда «поклик» ва «ўсиш» деган маъноларни билдиради.

Закот берган кишининг моли покланади, бермаган кишининг моли эса ичида закотга ҳақдорларнинг моли аралашган мол сифатида нопок бўлиб туради. Қачон закотини берса, покланади, бўлмаса йўқ.

Закоти берилган молга барака кириши билан биргаликда у кўпайиб, ўсади. Бунда ўсиш маъносини ўзида акс эттирган бўлади.

Шаръий истилоҳда: «Закот махсус молдан махсус жузни махсус шахсга Аллоҳнинг розилиги учун шариатда тайин қилинганидек мулк қилиб беришдир».

Закот Исломнинг беш рукнидан бири, шариат фарз қилган муҳим амалдир.

Закот Қуръони Каримда йигирма етти жойда намоз билан бирга зикр этилган. Бу эса ўз навбатида, намоз билан закот бир-бирига чамбарчас боғлиқ нарсалар эканини кўрсатади.

Закот исломий ибодат ва ақийданинг ажралмас қисмидир.

Шаръий рукнлар тартибида закот иймон ва намоздан кейинги ва рўзадан олдинги учинчи рукн бўлиб келган.

Закотда ибодат маъноси бўлиши билан бирга улуғ инсоний ғоялар, ахлоқий кўринишлар, руҳий қадриятлар ҳам ўз аксини топган. У фақат моддий маъно эмас, балки маънавий, руҳий, ахлоқий маъноларни ҳам қамраб олган.

Закотда закот берувчига ҳам, олувчига ҳам, улар яшаб турган жамиятга ҳам кўплаб дунёвий ва ухровий фойдалар бор. Шунингдек, у туфайли мулкдор тарафнинг қалби, шахси покланиб, маънавий, руҳий томондан ўсиб бориши юзага келади.

Аллоҳ таоло Тавба сурасида марҳамат қилади:

بِمَا وَزَكَّيْتُمْ تَطَهَّرْتُمْ صَدَقَةٌ أَمْوَالِهِمْ مِنْ حُدِّ

«Молларидан садақа ол. Бу билан уларни поклайсан, тозалайсан» (103-оят).

Биз бу оятда «поклайсан» деб таржима қилган сўз арабчада моддий, жисмоний тозалашга нисбатан ишлатилади. «Тозалайсан» деб таржима қилган калима эса руҳий, маънавий тозалаш маъносида ишлатилади. Бундан закотнинг мусулмонлар учун ҳар тарфлама катта фойдалар келтириши маълум бўлади.

Аллоҳ таоло Лайл сурасида марҳамат қилади:

يَا بَنِي آدَمَ، تَوَقَّيْ مَا لَكَ، يَوْمَ فِي الَّذِي (١٧) الْآلَتْنِي وَسَيَجْزِيهَا

«Ва албатта, ундан тақводор банда четда қоладир. У мол-мулкини бериб покланади» (17-18-оятлар).

Яъни иймонли-ихлосли тақводор банда дўзахга кирмай, ундан четда қолади. Ўша дўзахдан озод бўлган банда ўткинчи дунёда закот беради, мол-дунёсини Аллоҳ таолонинг йўлида сарфлайди. Куфр, ширк, нифоқ, гуноҳ ва ёмонликлардан ўзини поклайди. Шунинг учун ҳам охиратда дўзахдан халос бўлади.

Бу икки ояти каримадан закот ҳақиқий покловчи омиллардан эканини яна ҳам аниқроқ тушуниб етамиз.

«Руҳий тарбия» китобидан